

Ақийда дарслари (167-дарс). Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ҳар бирлари инсоният учун ўрнақдирлар



17:13 / 24.01.2022 2798

Пайғамбарлик ўқиб-ўрганиб ёки касб қилиб топиладиган нарса эмас. У Аллоҳ таоло томонидан бериладиган илоҳий неъматдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Ҳаж сурасида айтади:

رِيصَبُّعِيْمَسَ لَللَّانِ سَانَللَّانِ مَوَّالُسُرَّةَ كَلَّالْمَلَلَّانِ مِ يَفَطَّصَيَّ لَللَّانِ

«Аллоҳ фаришталардан ва одамлардан расуллар танлаб олур. Албатта, Аллоҳ ўта эшитувчидир, кўриб турувчидир» (75-оят).

Аллоҳ таоло пайғамбарлар юбориш билан бирга бандаларни ўша зотларга иймон келтиришга ва уларга эргашишга амр қилган.

Бизларга Аллоҳ таоло Ўз Китобида номларини зикр қилган пайғамбарларга иймон келтириш вожибдир. Аллоҳ таоло исмларини ва ададларини фақат Ўзи биладиган набий ва расулларни юборганига ҳам иймон келтирмоғимиз вожибдир.

Аллоҳнинг пайғамбарларига иймон келтириш ғоятда пурҳикмат ишдир. Аллоҳ таоло инсонлар ичидан Ўзига пайғамбар танлаб олишининг ўзи инсоният учун улкан шарафдир. Одам Атодан бошлаб Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган пайғамбарлар силсиласи эса инсониятнинг шараф силсиласидир. Пайғамбар алайҳиссаломлар инсоният учун шону шараф, фахр бўлган шахслардир. Улар Роббул оламининг кўрсатмаларини одамларга етказиб берган шахслардир. Уларнинг ҳаммалари бир Аллоҳнинг бандалари, бир Аллоҳнинг пайғамбарларидир. Улар бир-бирлари билан биродардирлар. Улар бир-бирларини тўлдириб, бир-бирларини тасдиқлаб келганлар. Улар орқали инсониятнинг асли бир экани, бир Аллоҳга сиғингани, бир динга амал қилгани тушунилади. Шунинг учун ҳам Исломда уларнинг орасини фарқламай, ҳаммаларига бирдек иймон келтириш фарздир. Пайғамбар алайҳиссаломлардан бирорталарини инкор қилган кимса гўёки ҳамма пайғамбарларни инкор қилган каби кофир бўлади.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ҳар бирлари яхшилик, фазилат бобида инсоният учун ўрнак ва намунадирлар. Уларнинг ҳар бири – ҳидоят маёғидир. Уларнинг охириги Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қиёматгача ҳаммага ўрнакдирлар. Инсоният бугунги кунда пайғамбарлардан ўрнак олишга ўта муҳтож бир ҳолга келгандир. Бунинг учун уларнинг эҳтиромини ўрнига қўйиш, уларга Ислом кўрсатгандек иймон келтириш лозим. Чунки Исломдан бошқа дин ва мафкураларда бу нарса йўқ.

Аллоҳ таоло юборган биринчи набий Одам алайҳиссаломдир. Анбиёларнинг энг охириги Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда йигирма беш пайғамбарни зикр қилган. Ана ўшаларнинг пайғамбарлигига батафсил эътиқод қилмоғимиз вожибдир. Яъни мусулмон кишидан мазкур набийларнинг бирорталари ҳақида сўралиб қолса, у зотни танимаслиги ёки пайғамбарлигини билмаслиги жоиз эмас.

Шунингдек, бизларга Пайғамбар алайҳиссаломлар барчалари Аллоҳнинг пайғамбарларига юкланган вазифаларни халойиққа етказганлари, бу ишда камчиликка йўл қўймаганларига иймон келтириш вожибдир.

Аллоҳнинг пайғамбарларига иймон келтириш ҳам Аллоҳнинг Ўзига бўлган иймондан келиб чиқадиган иймондир. Пайғамбарларга иймон келтиришга Аллоҳнинг Ўзи буюрган. Аллоҳга ишонган одам Унинг пайғамбарларига ҳам ишониши керак.

Қуръони Каримда қуйидаги пайғамбарларнинг исмлари зикр қилинган:

1. Одам алайҳиссалом.
2. Идрис алайҳиссалом.
3. Нуҳ алайҳиссалом.
4. Ҳуд алайҳиссалом.
5. Солиҳ алайҳиссалом.
6. Иброҳим алайҳиссалом.
7. Лут алайҳиссалом.
8. Исмоил алайҳиссалом.
9. Исҳоқ алайҳиссалом.
10. Яъқуб алайҳиссалом.
11. Юсуф алайҳиссалом.
12. Айюб алайҳиссалом.
13. Шуайб алайҳиссалом.
14. Мусо алайҳиссалом.
15. Ҳорун алайҳиссалом.
16. Юнус алайҳиссалом.
17. Довуд алайҳиссалом.
18. Сулаймон алайҳиссалом.
19. Илёс алайҳиссалом.
20. Ал-Ясаъ алайҳиссалом.
21. Закариё алайҳиссалом.
22. Яҳё алайҳиссалом.
23. Зул-Кифл алайҳиссалом.
24. Ийсо алайҳиссалом.

25. Муҳаммад алайҳиссалом.

Қуръони Каримда зикрлари келган пайғамбар алайҳиссаломлардан бирортасини инкор қилган одамнинг мусулмонлиги қолмайди.

Шу билан бирга, номлари ва қиссалари Қуръони Каримда зикр қилинмаган анбиёлар ҳам борлиги Қуръони Каримнинг ўзида таъкидланади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда айтади:

هُلِّلَا مَلَكًا وَكَذَّبَ عَمَّا نُصِصُوقَن مَّالِ السُّرُورِ لَبَق نَم كَيْلَعِ مُهَانُصَصَق دَقَّ السُّرُورِ
مَيْلَكَتِ سَوْم

«Ва Биз сенга илгари қиссаларини айтиб берган расулларни ва Биз қиссаларини айтиб бермаган расулларни (юбордик)» (Нисо сураси, 164-оят).

صُصُوقَن مَّالِ السُّرُورِ لَبَق نَم كَيْلَعِ مُهَانُصَصَق دَقَّ السُّرُورِ
قَحْلَابِ سُوقِ هَلَلِ رَمَ أَعِ إِفِ هَلَلِ نِزَابِ الْإِيَابِ أَي نَأْلُ سَرَلِ نَأَكْ مَو كَيْلَعِ
نُؤْلُ طُبُّمَلِ كَلِ لَأْنُهُ رَسَحَ

«Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам расуллар юборганмиз. Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик» (Фофир сураси, 78-оят).

Қуръони Каримда номлари зикр қилинмаган пайғамбарлар ҳақидаги энг ишончли маълумот Ибн Мурдавайҳи Абу Зарр ал-Фифорий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда келган. У киши айтадилар: «Эй Аллоҳнинг Расули, пайғамбарлар қанча?» деб сўрадим. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир юз йигирма тўрт мингта», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, улардан қанчаси расуллар?» дедим.

«Уч юз ўн учтаси, кўпчилик», дедилар».

Аммо кўпчилик ақоид уламолари: «Ўтган анбиёларнинг сонини маълум адад билан чеклаш яхши эмас», дейдилар. Жумладан, машҳур ватандошимиз имом Насафий ҳам: «Адад зикр қилинганда уларнинг ичига

улардан бўлмаганлар кириб қолиши ёки улардан бўлганлар чиқиб қолиши хавфи бор», деганлар.

Шунинг учун Қуръони Каримда келган маъно билан чегараланганимиз афзал, дейдилар муҳтарам уламоларимиз.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди